

Умархон, Амир Умархон, Амирий (1787— Кўкон — 1822) — Кўкон хони (1810—1822), зуллисонан шoir. Норбўтабийнинг ўгли. Ўзбекларнинг минг уругидан. Бошлангич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада тахсил олган. Ёшлигидан сарой хизматига жалб килинган: акаси — Кўкон хони Олимхоннинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган. Олимхон 1807—08 йилларда унга Фаргона хокимлигини топширган. Шу йилларда у Андижон хокими Рахмонкулибийнинг кизи Мохларойим (Нодира)га уйланган.

Хоким табакалар Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган галаённи бостириш учун кўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 йили Умархонни хон килиб кўтарадилар, Олимхон эса ўлдирилади. Умархон Кўкон хонлиги худудини кенгайтириш, хокимиятни мустахкамлаш сиёсатини олиб боради. Бухоро амирига карашли Туркистон шахри (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдарё бўйидаги ерларда Янгикўрган, Жулук, Камишкўрган, Окмачит, Кўшкўрган номли харбий истехкомлар курдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган мухим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга харакат килган. Умархон даврида Кўкон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар курилиб, кабристонлар тартибга келтирилган. Шахрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги кишлоклар вужудга келган. Хон амалдорларининг талончилик сиёсатига карши Чимкент ва Сайрамда кўтарилган кўзголон бостирилган. 19-асрнинг 1-ярмида Кўконда ўзига хос илмий-маданий мухит вужудга келган — унинг бошида турган маърифатпарвар хукмдор Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-хунарларнинг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган, турли хунар мактаблари очилишини кўллаб-куватлаган. Ўзи хам Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортик шoir йигилган. 1821 йилда Фазлий Намангоний Умархон амрига биноан, 63 шoirнинг шеърини ўз ичига олган «Мажмуаи шoirон» тўпламини тузган. Уни улуглаб касидалар ёзиш, газалларига татаббуълар боғлаш бу шoirлар ижодида етакчи ўрин тутган.

Умархон Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедилни ўзига устоз санаб, улардан ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод килган, газалларига мухаммаслар боғлаган. Арузнинг туркий адабиётда машхур, халк ижодида хам кенг тарқалган енгил ва ўйноки вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу мухаббат мавзуида. Уларда анъанавий мотивлар ва тасаввуфий рух устун. Ўзбек ва форстожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. Девон газал, мухаммас, мусаддас, туюк жанрларидаги 10 минг мисрадан ортик шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Умархоннинг турли даврларда кўчирилган 26 та кўлёзма девони хисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Бу кўлёмалар Санкт-Петербург, Тошкент, Самарканд ва Бухоро кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида Умархоннинг 17 та кўлёмма девони мавжуд. Бундан ташқари, литографик усудда чоп этилган девонлари ва шoir шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор.

* * *

Нега арбоби хирад ахли жунундан ори бор?
Ким булар урэн аларнинг жуббайи дастори бор.*

Гул юзунг олида зохир килди шабнамдин арак,
Гунча хомушу лабингни гавхари гуфтори бор.

Бўлма махзун богбон,богингга кирмас махвашим,
Сарвдур кадди ани, рухсоридин гулзори бор.

Сокиё, май бирла бир соат мени шодон кил,
Нотавон кўнглумни хижрон дардидан озори бор.

Эй кўнгул, динингни пинхон асра ишк атворида,
Кошини хар бир хамида кўз деган айёри бор.

Кўхкан Ширинга ошик бўлди, Мажнун Лайлига,
Ким мухаббат шахрида хар кимсани бир ёри бор.

Риштайи зулфини бўйнулда кўруб таън айламанг,
Бир бирахман бут йўлида бўйнида зуннори бор.

Ёр ишкидин парилар эътироз айлар магар,
Хар бирини бўйнида таъвиз ила туммори бор.

Дилраболар ичра яктоликка машхур ўлса, лек
Кўйида мен телба янглиг бенихоят зори бор.

Эй пари, бир кун бузук кулбам сари килгил хиром,
Хеч агар йўктур замони сояйи девори бор.

Не сабабдин ўлмасун обод кўнглум кишвари,
Ишк шохидек Амири маъдилат осори бор.

* Ушбу газал Амирий ва Нодира томонидан мушоира тарзида,яъни унинг биринчи мисраси Амирий, иккинчиси Нодира томонидан ёзилган.

* * *

Бўлди то табдин харифи лаъли жононим анор,
Гул килур хуни жигардин хори мижгоним анор.

Хусн боги мевасига ёр ноз айлаб деди:
Лабларим анжирдур,себи занахдоним анор.

Бог гул бирла анорига агар ноз айласа,
Ёр айтур: Оразим - гул, лаъли хандоним - анор.

Лаблари шафтолусига зормен,эй богбон,
Тўкмасун бехуда истигно била коним анор.

Шарбатим кондур агар топсанг ул ой базмига бор,
Лаъли хандонига еткур арзим, эй жоним, анор.

Ёралиг кўнглумни кўз ёшида килдим парвариш,
Ким эрур бу бог аро макбули султоним, анор.

Себи габгаблар фирокида бихидек саргориб,
Кон ютарменким эмастур боби дандоним анор.

Кўз,лабинг унноби хижронида йигларким, тўкар
Катра-карта кон ёшимдин жайбу домоним анор.

Оразинг раммонини бу бўг аро истар, Амир,
Муддаодур анго,эй сарви хиромоним, анор.

* * *

Охким,ёр менга ёр ўлмас,
Гами ўлтурдию гамхор ўлмас.

Не бало нозу тагофилдур анго,
Куйдим ишкида - хабардор бўлмас.

Булхавас ишк рамузин на билур,
Бехирад махрами асрор ўлмас.

Зулфи бирла на талошур сунбул,
Хар хашак нофаи тотор ўлмас.

Оразин кўр хатидин ўлма малул,
Кайси гулдурки анга хор ўлмас.

Ишк вайронасидур турфа маком,
Анда харгиз дару девор ўлмас.

Кулмангизлар мени расволигим,
Телбада нанг била ор ўлмас.

Нигорондур кўзум ойина мисол,
Нега шойистайи дийдор ўлмас.

Ошик ўлдум,нега сендин ёшурай,
Бегунох мўжиби инкор ўлмас.

Бу жамолу бу латофат бирла,
Кимдур ул сенга гирифтор ўмас.

Кайси кундурки юзунг хасратидин
Кўзларим ашк ила саршор ўлмас.

Хатидин шиква на хожат, эй кўз,
Кайси ойинада зангор ўлмас.

На билур ишкни кайфиятини,
Яхшиларфъа киши хамроз ўлмас.

Хар кўнгул ишкдин огох эрмас,
Хар садафда дури шахвор ўлмас.

Гавхари назм бахосиздур, Амир,
Анга хар сифла харидор олмас.

* * *

Жахон, жоно, жамолингга тасаддук,
Дилу жин, хатти холингга тасаддук.

Чаманда сарву шамшоду санавбар,
Эрур мавзун ниҳолингга тасаддук.

Лабинг сарчашмайи оби бакодур,
Хизт хатти зулолингга тасаддук.

Тутарман тан аро жонни кироми,
Бўлур бир кун нисорингга тасаддук.

Колиб эрди вужудимдин хаёли,
Ани килдим хаёлингга тасаддук.

Лабинг хажрида захри гам ютармен,
Халоват ёди болингга тасаддук.

Эрурсан хусн мулкани Амири,
Жахон жоху жалолингга тасаддук.

* * *

Кошингга текузмагил каламни,
Бу хат била бузмагил ракамни.

Бутхоналар ичра хеч тарсо,
Бир кўрмади сен киби санамни.

Ошикларингга тараххум этгил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Накши кадаминг муяссар ўлса,
Найлай бу жахонда жоми Жамни.

Кўнглум куши тойири хариминг,
Сайд этма кабутари харамни.

То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфунгдин аюрма печу хамни.

Лаълинг гамидин кўзум тўкар кон,
Беҳуда кечурмагил бу дамни.

Йўлунгда губори рох бўлдум,
Бошимга етурмадим кадамни.

Сен ёрдин ўзга кимга дермен,
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бир коса шароби аргувоний,
Помол килур хужуми гамни.

Иклими вафо Амиридурсен,
Эй шох,бу гадога кил карамни.

* * *

Висолингга кўнгул мушток эди, эй ёр, хуш келдинг,
Кўзум нурини равшан айладинг бисёр, хуш келдинг.

Хуморим заъфидин бетоб эдим, базм ичра, эй сокий,
Хиромон шишайи согар тутуб саршор, хуш келдинг.

Кўнгул богида хар ён доги охим сарв ила гулдур,
Бу гулшан сайрига,эй сарви гулрухсор, хуш келдинг.

Бу шаклу бу шамойил бирла базми ноз ора кирдинг,
Сихи кадрларни килдинг сояйи девор, хуш келдинг.

Хазин муштокларга ёри фирдавс хаёлидин,
Етурдинг муждае товуси хушрафтор, хуш келдинг.

Кеча кулбамга пинхон келди ул махваш, Амир айди:
Бу лутфу мархаматни билмасун агёр, хуш келдинг!

АЛИШЕР НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ул бути ширин лико хар нечаким ёд айламас,
Ишк тогида мен этган ишни Фарход айламас,
Хаста кўнглум бу жафолардин нечук дод айламас,
Йўк дамеким,фуркати жонимга бедод айламас,
Гайрни шод этгали кўнглумни ношод айламас.

Ул парирўким,эрур ноз офаринлар сарвари,
Бокмади харгиз тараххум бирла ошиқлар сари,
Хасрату андух бирла бордим ўзлукдан нари,
Ўлмакимни билмайин гўё дер эрмиш ул пари,
Ким неча кундурким,ул девона фарёд айламас.

Бор эди кўнглумга зулфу оразидин тобу таб,
Шому хижрон ичра ёндим шамъи мухфилдек тутаб,
Пайкарим ўлди ўкуш,ўк захмидин жавшан лакаб,
Солди кўнглум ўтига пайконларин хижрон, ажаб,
Ким менинг катлимга боштин тиги пўлод айламас.

Баски элга фош этар охим ўти, жонон гами,
Бу жихатдин колмади кўксум аро пинхон гами,
Хеч кимнинг бошига келтурмади даврон гами,
Улча багримга килур гам нешидин хижрон гами,
Тогнинг багрига метин бирла Фарход айламас.

Экга жонондин,Амиро,килма изхори гаме,
Ишк асрорини арз этмакка йўктур махраме,
Хасрат ўтидин кўнгулга йўк исикрок хамдаме,
Эй Навоий,бўлма онинг ёдидин гофил даме,
Сен ким ўлдунг дегаликим,мени ул ёд айламас.

ЛУТФИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Неча дард изхор этсам,ул санамдин чора йўк,
Не учун кон тўкмасун ул кўзки намдин чора йўк,
Ранж ила муътод ўланларга ситамдин чора йўк,
Ишк тушса хар кўнгулга дарду гамдин чора йўк,
Етса чун ништар жарохатга аламдин чора йўк.

Солди зулфи ораз ила кўксум ичра тобу таб,

Ўртади махзун кўнгулни шамъи мухфилдек тутаб,
Гунча янглиг кон ўлуб бир амр мавхуми тилаб,
Эй вужуд,ул тор офъиздин ҳеч бўлсан,не ажаб,
Ушбу йўлда юруганларга адамдин чора йўк.

Чун нихон эттинг сочингдин,оразинг,эй махжабин,
Бу адо бирла ёшурдинг куфр шоми ичра дин,
Талх этти айшими бахтим каро,кўнглум хазин,
Бир тутуб зулфингни юз минг захр топтим зулмидин,
Оре-ореким,йилон тутконга самдин чора йўк.

Баски йўк ушшок хайли ичра мен янглиг гаюр,
Гар Амир ўлсам мухаббат кишвари ичра бўлур,
Килмагил маъюс айлаб нотавонлардин нуфур,
Эшикингдин кавлама,бу Лутфийнинг журмин кечур,
Ким бу боб ичра каримларга карамдин чора йўк.

ЗАЛИЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Гамингдин,эй пари рухсора,жони нотавоним бор,
Килурга ранг хижронинг киличин катра коним бор,
Фирокинг богида булбул киби минг достоним бор,
Юзунгни кўрмагач,эй гулузорим,юз фиғоним бор,
Жахон богида истарман сени то танда жоним бор.

Туттошди ишк ўти кўнглум аро тадбир этолмайман,
Гули сероби рухсоринг анга тасвир этолмайман,
Мухаббат шархини жон ўртанур тахрир этолмайман,
Жунун мактубини мазмунини тақрир этолмайман,
Эшитгон халк йиглар шўлайи тиг забоним бор.

Кадам урган мухаббат кўйига афсона бўлмасму?
Парилар бирла сухбат айлагон девона бўлмасму?
Гами ёр истагон агёрдин бегона бўлмасму?
Жунун шахри саросар,окибат вайрона бўлмасму?
Кўзум ёши чу дарё хар тараф оби равоним бор.

Парирўлар юзини мох дерман,айб килманглар,
Сихи кадлар гамидин ох дерман, айб килманглар,
Харими дилни байтуллох дерман, айб килманглар,
Кўнгулни пойи тахти шох дерман, айб килманглар,
Вужудим шахрида лашкаркаши сохибкироним бор.

Амиро,менга ўхшаб гамда муътод ўлмагил харгиз,
Асири жилвайи ул сарви озод ўлмагил харгиз,

Мени махзун топиб,эй ишк,жаллод ўлмагил харгиз,
Йикилди деб Залилийни адув шод ўлмагил харгиз,
Мададкорим мени султон Ситуки Бугрохоним бор.

ТУЮКЛАР

1

Оразинг гулзори жаннат богидур,
Тори зулфунг жон қушини богидур,
Халкайи зуннор зулфунг даврида
Кофири ишк ўлмогонлар богидур.

2

Бодасиз бетобмен бу кеча мен,
Лаълинг истаб эмди жондин кечамен,
Сошили мақсадга етгайманму деб,
Кўз ёшим дарёсида сув кечамен.

3

Бенавомен ёр кўзу кошидин,
Телба кўнглум келмас они кошидин,
Кофиру мўмин анинг хайронидур,
Қуфр изхор этти зулфу кошидин.

4

Ул пари жонимга ўтлар ёкадур,
Куйгоним кўнглига яхши ёкадур,
Ишкида хар ён тушуб жайбимга чок,
Телбамен пийроханим беёкадур.